

**Бухоро нефт ва газ саноати коллежида ва ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан  
Оперейтинг Компани» билан ҳамкорлик тўғрисида ўтказилган йиғилиш  
БАЁННОМАСИ**

28 март 2023 йил

Бухоро шаҳар

**Қатнашдилар:**

Коллеж директори С.Б.Усмонов, коллеж ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари А.Р.Ҳафизов, бўлим мудирлари: А.А. Набиев, А.А.Мамедовалар, “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси Х.Б. Азимова, гуруҳ раҳбари, 100 нафар коллеж ўқувчилари

**Йиғилиш кун тартиби:**

**1. Бухоро нефт ва газ саноати коллежи ҳамда ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани» ўртасидаги ҳамкорлик ишларини янада мустаҳкамлаш, корхонада коллеж ўқувчиларининг амалиётларини намунали тарзда ўтказиш.**

**ЭШИТИЛДИ:**

**Сўзга чиқди:** С.Б. Усмонов - коллеж директори йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан Бухоро нефт ва газ саноати коллежи маъмурияти ўзаро ҳамкорлик доирасида “Энергетика” вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ га қарашли корхоналар, шу жумладан **ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани»** ўртасида қатор йиллардан буён коллеж моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессионал таълим жараёнини, ўқув, ишлаб чиқариш ҳамда диплом амалиётларини ташкил қилиш, битирувчилар бандлигини таъминлашда яқиндан ҳамкорлик олиб борилаётган беминнат ёрдамнинг, Сизларнинг бевосита кўмагингиз билан ижобий ютуқларга эришиб келмоқда. Коллеж маъмурияти ушбу ҳамкорликдан беҳад мамнунлиги тўғрисида тўхталиб, компания билан узоқ йиллардан буён мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлиги, компания томонидан ҳомийлик асосида коллежга АКТ Мультимедия хонаси (компьютер синф хонаси), инновацион синф хонаси, “Нефт ва газ саноати корхоналарида техника хавфсизлиги” ўқув амалиёт хоналарини беғараз ёрдам сифатида тўлиқ жихозлаб берилганлиги, 2018/2019 ўқув йилида битирувчи гуруҳлардан 12 нафар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаганликлари, шулар билан бир қаторда жорий 2022/2023 ўқув йилида ҳам I-II босқич ўқувчилари орасидан 17 нафари ишлаб чиқариш ва диплом олди

амалиётларини “Қандим-Хаузак” конида тасдиқланган ўташлари келишилганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

**ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани»** Ўзбекистон билан ҳамкорлиги 2007 йилдан буён Ўзбекистонда “ЛУКОЙЛ” томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича жамланган табиий газ қазиб олиш ҳажми 100 миллиард куб метрга етди. Ушбу кўрсаткич “ЛУКОЙЛ” ОАЖ нинг 30 йиллигини нишонлаш арафасида муҳим ютуқ бўлди. Асосий ҳажми (70% дан ортиғи) Бухоро вилоятидаги Қандим-Хаузак-Шоди участкасида қазиб олинди. 2008 йилда Хаузак-Шоди ишлаб чиқаришнинг лойиҳавий даражасига етди - йилига 4 миллиард куб метр газ. 2017 йилда компания таркибида водород сульфидли газни қайта ишлаш, тозаланган табиий газ, барқарор газ конденсати ва бўлак олтингугурт ишлаб чиқаришга мўлжалланган йилига 8,1 миллиард куб метр газ қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси фойдаланишга топширилди. ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Қандим-Хаузак-Шоди ва Жануби-Ғарбий Ҳисор лойиҳаларида маҳсулот тақсимоти бўйича иккита битим (ПСА) асосида ишлайди. Корхонада қудуқларни ўзлаштириш ва жиҳозлаш, табиий газни қазиб олиш, тозалаш ва товар ҳолатига қайта ишлаш ишлари олиб борилмоқда. ЛУКОЙЛ томонидан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган газнинг бутун ҳажми ички ва халқаро бозорларда талабга эга. 2018 йилда 20 апрелда “Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси” нинг қурилиши бошланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва **ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани»** Президенти Вагит Алекперов иштирокида Қандим ГКК га тош қўйиш тантанали маросими бўлиб ўтгани ҳақида тўлиқ маълумот берди. Бухоро вилоятида бор-йўғи икки йил ичида “Лукойл” компанияси ўзбекистонлик ҳамкасблари ва бир қанча хорижий компаниялар билан ҳамкорликда йилига 8 миллиард куб метрдан ортиқ газни қайта ишлаш қувватига эга замонавий газни қайта ишлаш мажмуасини барпо этди. Чўлдаги ушбу технология воҳаси, шунингдек, янги Ўзбекистон-Россия энергетика режалари катталигидан далолат беради.

**Сўзга чиқди: ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани»** ходимлари персонални бошқариш ҳамда ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари **Кузьмин Вадим Викторович** ва кадрларни бошқариш бўлим бошлиғи **Мишустин Игорь Сергеевичлар** коллеж ҳамда компания ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида қилинаётган ишлардан мамнунлигини айтиб ўтди. Профессional таълимда ўқитилаётган ўқувчи-ёшлар учун жуда муҳим эканлиги, Ўзбекистон нефт ва газ саноатини ривожлантиришда, мазкур соҳани юқори малакали кадрлар билан бойитиш, таълим узлуксизлиги ва изчиллигини, амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш, ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчиларининг ўқиш даврида олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, ўқувчиларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини

шакллантириш мақсадида коллеж ва корхона ўртасида меморандум имзолаш мақсадга мувофиқлиги, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш шулар билан бир қаторда коллежда таҳсил олаётган ўқувчиларни замонавий технологик жараёнларга жалб қилиш ва келгусида битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, жорий 2022/2023 ўқув йили июнь-июль ойларида коллежнинг 1-2 босқич ўқувчилари орасидан 17 нафар ўқувчини ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини намунали ўтказилишини таъминлаб беришлари, шулар билан бир қаторда коллежда фаолият олиб бораётган махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакавий билимларини ошириш учун ташкилотнинг юқори иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан биргаликда стажировка ўташларини режалаштириш тўғрисида тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб

### **Қарор қабул қилинди:**

1. Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўриб чиқилган фикр ва мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.
2. **ООО «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани»** билан коллеж ўртасида ҳамкорлик бўйича меморандум расмийлаштирилиб, имзолансин. (Масъул: О.Ш. Пардаев)
3. 1-2 босқич ўқувчилари орасидан 17 нафар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини намунали ташкил этиш ва зарур ҳужжатлар тўпламини шакллантириш. (Масъул: О.Ш. Пардаев, бўлим бошлиқлари)

Коллеж директори:

Баёнлаштирди:



С. Усмонов

Д. Хайитова